

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil. 02.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МИРЗАЕВ ХАЙЁМ ТОШҚУЛОВИЧ

САЙФИЙ БУХОРИЙ ВА УНИНГ “АРУЗ” РИСОЛАСИ

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти
(тожик тили ва тожик адабиёти)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Мирзаев Хайём Тошқулович

Сайфий Бухорий ва унинг “Аруз” рисоласи 3

Мирзаев Хайём Тошқулович

Сайфи Бухари и его трактат “Аруз” 23

Mirzaev Khayyom Toshkulovich

Sayfi Bukhari and his scientific work “Aruz” 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil. 02.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МИРЗАЕВ ХАЙЁМ ТОШҚУЛОВИЧ

САЙФИЙ БУХОРИЙ ВА УНИНГ “АРУЗ” РИСОЛАСИ

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти
(тожик тили ва тожик адабиёти)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD/Fil660 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (www.samdu.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Хамроев Жумакул филология фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Юсупова Дилновоз Раҳмоновна филология фанлари доктори, доцент Нарзиқулов Мисбоҳиддин Махмудович филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат шарқшунослик университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил 24 май соат 11⁰⁰ да мажлислар залида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail:rector)@samdu.uz.

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (11 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2021 йил "8" май куни тарқатилди.
(2021 йил "8" май даги 70 рақамли реестр баённомаси).



М.Қ.Муҳиддинов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
филология фанлари доктори, профессор

А.Б.Пардаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
филология фанлари доктори, доцент

Х.З.Алимова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги
илмий семинар раиси,
филология фанлари доктори, доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида XV аср Шарқ маданиятининг ўзига хос хусусиятлари, жумладан, унда турли халқ ва миллат вакиллари томонидан яратилган бадиий ёдгорликларнинг адабий ва маънавий аҳамияти билан боғлиқ масалалар атрофлича тадқиқ этилган. Айниқса, санъат ва адабиёт намояндалари томонидан яратилган адабий обидалар асрлар давомида жаҳон халқлари ўртасида кенг ёйилиб, маънавий комилликка элтувчи мангу ва сўнмас ғоялари билан инсонларни маънан озиклантириб келганлиги эътироф этилган. Хорижий адабиётшуносликда ҳам Шарқ адабиёти вакиллари ва уларнинг маънавий меросини тадқиқ этиш, қўлёзма асарларини нашр қилиш долзарб масалалардан саналиб, бу йўлда кенг қўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Дунё адабиётшунослигида шеър назарияси, унинг тадрижий тараққиёти, ривожланиш тамойилларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиб келинганлиги диққатга сазовордир. Хусусан, ўтган асрларда яшаб ижод этган ижодкорлар асарларидаги ғояларни бугунги даврнинг маданий-маънавий эҳтиёжларига хизмат қилдириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Натижада шеър поэтикасининг муҳим жиҳатларини ўзида акс эттирган назарий асарларни ўрганиш, уларни ўқувчиларга яқиндан таништириш ва ижодкорларга муҳим қўлланма сифатида тавсия этиш имкони яратилган. Бинобарин, бадиий асарнинг поэтик хусусиятлари, ўлчов имкониятлари, тасвирий ҳамда ифода воситалари, адабий турлар ва жанрларини чуқур ўрганиш адабиётшунослик фанининг асосий масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Мустақиллик йиллари буюк аждодларимизнинг адабий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва уларни ёш авлод вакиллари орасида тарғиб қилиш, шу орқали ёшларни эзгулик руҳида тарбиялаш бўйича кенг чора-тадбирлар амалга оширилиб келмоқда. Бу хусусда Президентимизнинг Мурожаатномасида таъкидлаганидек: “Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак”¹. Шу маънода ўрта асрларнинг танилган ижодкори Сайфий Бухорийнинг адабий меросини кенг доирада ўрганиш, у томонидан илгари сурилган ғояларнинг мазмун-моҳиятини бугунги кун нуктаи назаридан таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги «Тараққиёт йўлимизнинг шиддати янада ошаверади» мавзусидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил, 29 декабрь.

тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 12 майдаги ПҚ-3721-сон «Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги 571-сон «Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўтмишда ва бугунги кунда тожик адабиётшунослигида олиб борилган тадқиқотлардан маълумки, Сайфий Бухорийнинг илмий-адабий мероси ҳақида алоҳида ва кенг қамровли тадқиқот иши амалга оширилмаган. Шундан келиб чиқиб, адабиётшуносларнинг мазкур мавзуга бевосита алоқадор изланишларини шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга А.Мирзоев, Б.Валихўжаев, А.Афсаҳзод, Р.Мусулмонқулов, У.Тоиров, Д.Юсуповалар² томонидан Сайфий Бухорий ижодининг муайян бир жиҳатини ёритишга қаратилган тадқиқотларини киритиш мақсадга мувофиқ. Бу тадқиқотларнинг илмий ва назарий жиҳатдан қиммати шундаки, уларда Сайфийнинг арузшунослик фаолияти ҳамда лирик меросининг мазмун-моҳияти тўғрисида муносабат билдирилган бўлиб, форс-тожик адабиёти тарихида муҳим ўрин тутувчи бу адабий сиймонинг фаолиятини тадқиқ этишдаги дастлабки уринишлардир.

Иккинчи гуруҳга Сайфий яшаган давр адабий ва илмий муҳити, замондошлари ҳаёти ва ижоди, XV асрнинг турли адабий ва назарий масалалари, шунингдек, шеършунослик илми бўйича амалга оширилган тадқиқотлар киради. Улар мазкур давр маданий ҳаётининг ажралмас бўлаги саналган Сайфий Бухорийнинг шоирлик ҳамда арузшунослик фаолиятини чуқурроқ тушунишимизга замин яратади ва зарур маълумотларни беради. Бу йўлда муҳим тадқиқот ишларини амалга оширган шарқшунослар, жумладан,

²Мирзоев А. Сездах мақола. Сайфий Бухорой ва мавқеи ў дар таърихи адабиёти доираҳои хунармандӣ. – Душанбе: Ирфон, 1977. – С. 274-287; Мирзоев А. Мухтарейи ғазалҳои хунармандӣ магар Сайфий Бухоройст? – Ахбороти АФ РСС Тоҷикистон / Шўъбаи фанҳои ҷамъиятӣ. №3, 1976. – С. 12-21; Валихўҷаев Б. Дар бораи “Рисолаи аруз”-и Сайфий Бухорой. Масъалаҳои назария ва таърихи адабиёти тоҷику ўзбек. – Самарқанд, 1975. – С. 1-12; Валихўҷаев Б. Назаре ба ғазалиёти Сайфий Бухорой. Масъалаҳои филология ва робитаи адабӣ. – Самарқанд, 1979. – С. 4-14; Афсаҳзод А. Адабиёти форсу тоҷик дар нимаи дуввуми асри XV. Китоби аввал. – Душанбе: Дониш, 1987; Мусулманқулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика. (X-XV вв.). – Москва: Наука, 1989; Тоиров У, Солеҳов М. Китобҳои таълимии адабӣ. – Душанбе: ЭР-граф, 2016; Юсупова Д. Темурӣлар давридаги арузга доир рисолаларнинг қиёсий таҳлили. Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019; Юсупова Д. Сайфий Бухорийнинг «Арузи Сайфий» асари шеършуносликка доир муҳим қўлланма // Шарқшунослик. – Тошкент, 2015. – № 2-3.

Ҳ.Блошман, Е.Э.Бертельс, А.Н.Болдирев, С.Забехулло, А.Ҳикмат, С.Нафисий³ ҳамда тожик ва ўзбек олимларидан А.Мирзоев, А.Афсаҳзод, Б.Сирус, Т.Зехний, С.Давронов, Р.Мусулмонқулов, А.Сатторов, А.Абдуллоев, У.Тоиров, М.Нарзиқул, И.Султон, С.Мирзаев, Ш.Шомухамедов, А.Рустамов, У.Тўйчиев, С.Ҳасанов, А.Ҳожиаҳмедов, Э.Талабов, М.Зиёвуддинова, Г.Тўйчиева, Ҳ.Болтабоев ва бошқаларни⁴ қайд этиш мумкин.

Шу билан бирга XV аср форс-тожик адабиётида ўзига хос ўринга эга бўлган Сайфий Бухорийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти яхлит ва кенг планда ўрганилмаганлиги ва унинг “Аруз” рисоласи шеършунослик фани нуқтаи назаридан махсус тадқиқ этилмаганлиги мазкур диссертациянинг юқоридаги тадқиқотлардан фарқ қилишини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2016-2020 йилларга мўлжалланган “Тожик адабиётида жанрлар ва услублар ранг-баранглиги” мавзусидаги илмий ишлари доирасида ва ОТ-Ф1-138 рақамли “Темурийлар

³Blochmann H. Prosody of the Persians according to Saifi, Jami and other writers. Calcutta, 1872; Бертельс Е.Э. Навоий. Монография / Таржимон Мирзоев И.К. –Тошкент: Tafakkur qanotlari, 2015; Бертельс Е.Э. Навои, Опыт творческой биографии. – Москва, 1948; Бертельс Е.Э. Джами, эпоха, жизнь, творчество, Таджик-госиздат. – Сталинабад, 1949; Болдырев А.Н. Мемуары Зайн-ад-Дина Восифи, как источник для изучения культурной жизни Средней Азии и Хорасана на рубеже XV-XVI веков. – Ленинград, 1940; Сафо З. Таърихи адабиёт дар Эрон, ч. IV. – Техрон, 1977; Ҳикмат А. Чомӣ. –Техрон, 1320; Нафисӣ С. Таърихи назму наср дар Эрон ва дар забони порсӣ. Ҷ.II. –Техрон, 1344. Нафисӣ С. Чомӣ шўхрати чахонӣ дорад. Абдурахмони Чомӣ (мачмӯаи мақолаҳо). – Душанбе: Ирфон, 1964.

⁴Мирзоев А. Биноӣ. Нашриёти давлатии Тоҷикистон, Сталинобод, 1957; Мирзоев А. Аз равобити адабии Абдурахмони Чомӣ ва Алишер Навоӣ. Сездар мақола. –Душанбе: Ирфон, 1977; Аълоҳон Афсаҳзод. Рӯзгор ва осори Абдурахмони Чомӣ. –Душанбе: Дониш, 1980; Аълоҳон Афсаҳзод. “Абдурахмони Чомӣ”. – Душанбе: Маориф, 1978; Баҳром Сирус. Арӯзи тоҷикӣ. – Душанбе, 1963; Тўрақул Зехнӣ. Санъати суҳан. – Душанбе: Ирфон, 1979; Давронов С. Омӯзиши вазни шеъри тоҷикӣ. – Душанбе: Ирфон, 1992; Мусулманқулов Р. Атауллоҳ-и Маҳмуд-и Хусайнӣ и впросы таджикско-персидской классической поэтики. АДД, Душанбе, 1980; Сатторов А. Афкори адаби ва эстетикии Абдурахмони Чомӣ. –Душанбе: Ирфон, 1975; Сатторов А. Таърихчаи назариёти адабии форсии тоҷикӣ. – Душанбе: Адиб, 2001; Абдуллоев А. Масъалаҳои рушди адабиёти тоҷик дар нимаи аввали асри XV (доираи адабии Самарқанд). – Душанбе: Бухоро, 2016; Тоиров У. Таҳқиқ ва таълими арӯз. – Душанбе: Дониш, 1995; Тоиров У. Таҳаввул ва тақомулотии арӯз дар назария ва амалияи шеъри форсӣ-тоҷикӣ. –Душанбе: Ҳоҷӣ Хусайн, 2015; Тоиров У. Фарҳанги истилоҳоти арӯзи Аҷам. –Душанбе: Маориф, 1991;М.Нарзиқул. Адабиётшиносии форсӣ-тоҷикӣ дар асрҳоиXIII-XIV. – Душанбе: Адиб, 2004; Шомухамедов Ш.М. Форс-тожик арузи. – Т.: ТошДУ, 1970; Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. – Т.: Фан, 1972; Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Тошкент: Фан, 1985; Тўйчиев У. Арузшуносликка доир. – Т.: Фан, 1973. Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисоласи” асари. – Т.: Фан, 1981; Мирзаев С. Навоӣ арузи. Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1948; Ҳожиаҳмедов А. Аруз назарияси асослари. – Т.: 1982; Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т.: Шарқ, 1998; Ҳожиаҳмедов А. Навоӣ арузи нафосати. – Т.: Фан, 2006; Талабов Э. Араб шеърятисида аруз тизими. Филол.фан.докт. ... дисс. автореф. – Т., 2004; Олмосли Э.Т. Аруз. – Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2017;Зиявиддинова М. Поэтика в «Мафатих ул-улум» Абу Абдаллаха ал-Хорезми. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1990; Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг «Мафотиҳ ал-улум» асарида поэтика. – Т.: ТошДШИ, 2001; Тўйчиева Г.У. Ислом даври шеърятисида аруз тизими ва унинг эволюцион таракқиёти. Филол. фан. докт. (DSc) дисс... – Т., 2019; Болтабоев Ҳ. “Рисолаи аруз” ва аруз ҳақида / Мумтоз сўз кадри. – Т.: Адабиёт ва санъат, 2004; Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси. Манба ва талқинлар. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006; Юсупова Д. Абдурахмон Жомийнинг «Рисолаи аруз» асари шеършуносликка доир муҳим манба сифатида / Абдурахмон Жомийнинг ижод олами. – Тошкент: TAMADDUN, 2014. Юсупова Д. Жомий ва Навоӣ: арузга доир рисоаларнинг қиссий тадқиқи / Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари (илмий мақолалар тўплами). – Тошкент, 2010. – Б. 33-38.

даврида яратилган “Хамса”ларнинг компаративистик таҳлили” (2017-2020 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Сайфий Бухорийнинг илмий-адабий меросини ўз даври адабий жараёни билан боғлиқ ҳолда ўрганиш ҳамда форс-тожик арузшунослигига бағишланган бошқа рисоалар билан қиёслаш орқали “Аруз” рисоласининг XV аср арузшунослигидаги мавқеи, янгилиги ва афзалликларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Сайфий Бухорий ҳаёти ва ижодий фаолиятини давр адабий манбаларига асосланиб ёритиш ҳамда унинг ўзгача услубдаги ғазалларини ўрганиб, XV аср форс-тожик ғазалчилигидаги новаторлигини кўрсатиб бериш;

Сайфийнинг аруз, муаммо ва мусиқа илмларига бағишланган назарий рисоаларини умумий тавсифлаш ҳамда муаллифнинг шеър ва шоирлик ҳақидаги назарий қарашлари, аруз илми борасидаги изланишларини таҳлил қилиш асосида унинг XV аср адабиётшунослигидаги мавқеини аниқлаш;

“Аруз” рисоласини тожик адабиёти тарихи бўйича қимматли материаллар бера оладиган муҳим адабий манба сифатида ўрганиш;

арузнинг назарий асосларини ёритиш учун “Аруз” рисоласидаги жузв, рукн ва зиҳофлар талқинининг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиш;

арузуносликка доир асарлар билан қиёсланган ҳолда Сайфийнинг баҳр ва доиралар ҳақидаги янгича қарашларини аниқлаб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Сайфий Бухорийнинг Эрон Ислом Республикаси “Китобхонаи мажлиси шўрои исломи” миллий кутубхонасида 9653 инвентарь рақами, Ҳиндистоннинг Сиринагар университети кутубхонасида 1560 инвентарь рақами билан сақланаётган “Девон”лари қўлёзмалари ҳамда немис олими Ҳенри Блошман томонидан 1872 йил Калькуттада нашр қилинган “Аруз” рисоласи асос қилиб олинди.

Тадқиқот предметини Сайфий Бухорийнинг “Аруз” асарида мавжуд илмий-назарий ва адабий хусусиятларни давр арузшунослиги нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий-таҳлилий, қиёсий-типологик, статистик, матн таҳлили каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Сайфий Бухорий ҳаёти ва ижодидаги муҳим масалалар, жумладан, яшаган даври, қолдирган адабий мероси, маҳоратли шоир сифатида ижод қилган лирик жанрлари адабий манбалар ва шоир шеърятти воситасида асослаб берилган;

Сайфий Бухорийнинг XV аср ғазалчилигига олиб кирган янгиликлари шоирнинг ўзгача услубдаги ғазаллари асосида далилланган;

унинг назариётчи олим сифатида давр адабий илмлари ривожига қўшган ҳиссаси, аруз илми тарихи билан боғлиқ изланишлари, шеър ва шоирлик ҳақидаги назарий қарашлари ҳамда аруз, муаммо илмларига бағишлаб яратган асарлари таҳлили орқали ёритиб берилган;

ижодкор томонидан яратилган “Аруз” рисоласининг XV аср форс-тожик арузшунослиги ривождаги ўрни ва ўзига хос жиҳатлари шу соҳада яратилган бошқа назарий асарлар қиёси орқали очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Сайфий Бухорийнинг бугунгача етиб келган асарлари таснифланиб, уларнинг турли нусхалари ва сақланиш жойлари аниқланган;

Сайфий Бухорийнинг маҳоратли шоир ва етук адабиётшунос сифатида XV аср форс-тожик адабиёти тараққиётидаги ўрнини белгилашга хизмат қилган;

ижодкорнинг “Аруз” асари кейинги давр арузшунослигига таъсири, қатор арузий рисоаларда адабий манба сифатида хизмат қилганлиги, арузга оид истилоҳларнинг шарҳи бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

арузшуносликка оид 165 та терминлар шарҳини ўз ичига олган “Фарҳанги мухтасари истилоҳоти рисолаи “Арӯз”-и Сайфийи Бухорой” номли изоҳли луғат яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги Сайфий Бухорий ҳаёти ва адабий фаолиятини тазкиралар, тарихий асарлар маълумотларига таянган ҳолда тадқиқ этилганлиги, “Аруз” рисоласининг немис шарқшуноси Хенри Блошман томонидан қўлга киритган қадимий нусхаси асосида ўрганилганлиги ҳамда тадқиқот хулосалари ва тавсияларининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти форс-тожик арузшунослиги тарихининг тадрижий такомилени атрофлича ўрганишда, XV аср шеърятининг назарий масалаларини таҳлил қилишда, шунингдек, Сайфий замонидаги айрим адабий сиймоларнинг ижодий фаолияти ва асарларини тавсифлашда илмий-назарий манба сифатида истифода этилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ўқув юртларида таълим дастурлари ва воситаларини тайёрлашда, адабиётшунослик соҳасига, жумладан, арузшуносликка оид изоҳли луғатлар яратишда, форс-тожик арузшунослиги тарихига бағишланган махсус курсларни ташкил этишда, “Мумтоз адабиёт тарихи”, “Адабиёт назарияси”, “Аруз ва мумтоз поэтика асослари” каби фанлар учун ўқув ва услубий қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сайфий Бухорий ва унинг “Аруз” рисоласини тадқиқ этишда олинган илмий натижалар асосида:

Сайфий Бухорийнинг “Аруз” рисоласи ва бошқа XV аср темурийлар даврида яратилган назарий рисоаларнинг компаративистик тадқиқи ва уларнинг Шарқ арузшунослиги тараққиётидаги ўрнини аниқлаш бўйича олинган хулосалардан ОТ-Ф1-138 рақамли “Темурийлар даврида яратилган “Хамса”ларнинг компаративистик таҳлили” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 3 ноябрдаги 89-03-4370-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши орқали темурийлар даврида вужудга келган бир қатор назарий

рисолалар ва уларнинг илмий аҳамиятини компаративистик метод орқали ўрганиш имконияти яратилган;

Сайфий Бухорий арузшуносликнинг назарий масалаларига доир кўплаб истилоҳларни шарҳлаган, натижада араб тилидан форс-тожик тилига кирган сўзларнинг мазмун-моҳияти шарҳ ва изоҳлаш жараёнида очикланганлиги ҳақидаги хулосаларидан Ф1-ФА-0-43429, ФА-Ф1, ГОО2 рақамли “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанр ва турларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 3 ноябрдаги 89-03-4370-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши орқали бугунги давр замонавий арузшунослигида араб тилидан кириб келган истилоҳларнинг луғавий маъносини билиш имконияти яратилган;

тадқиқот асосида “Фарҳанги мухтасари истилоҳоти рисолаи “Арӯз”-и Сайфий Бухорӣ” (ISBN 978-9943-6645-8-6) номли изоҳли луғат яратилган. Унда арузшуносликка оид 165 та терминлар изоҳланган. Натижада, бу талаба-ёшларнинг шеър вази қоидаларини ўрганиш имкониятини кенгайтиришга ва назарий билимларини оширишга хизмат қилган;

Сайфий Бухорий санъат ва хунар аҳлига бағишлаб ёзган ғазаллари билан бугунги давр санъат ва хунармандчилигимизнинг қадимийлигини англашда аҳамиятли эканлиги ҳақидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston” телерадиоканали “Бедорлик”, “Таълим ва тараққиёт”, “Адабий жараён” эшиттиришларининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston” телерадиоканали ДУКнинг 2020 йил 10 ноябрдаги 04-25-1082-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган ва долзарблиги илмий-амалий аҳамият касб этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, уларнинг 4 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 160 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

“Кириш” қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига

мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Сайфий Бухорийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти”**га бағишланиб, унинг *“Сайфий Бухорий ҳаёти ва адабий меросининг ўрганилиши тарихидан”* деб номланган илк фаслида адибнинг ҳаёти ва адабий мероси ҳақидаги тадқиқотлар, шоир яшаган даврни ёритувчи адабий манбалар кўздан кечирилиб, уларнинг ижодкор шахсиятини англашда нечоғлик илмий аҳамиятга эга эканлиги тавсифланган.

Сайфий Бухорий тахминан 1445-1447 йиллар оралиғида таваллуд топган. Унинг асл исми Сайфий бўлиб, ўз ғазалларини “Сайфий” тахаллуси билан ижод этган. Сайфий Бухоро шахрида туғилганлиги сабаб “Бухорий” нисбасини олган. Адабиётшунос Аълохон Афсаҳзоднинг фикрича, Сайфий ўз даврида “Арузий” тахаллуси билан ҳам машҳур бўлган. Сайфий Бухорий олтмиш ёш атрофида умр кўриб, 1504 йилда она юрти – Бухорода оламдан ўтган.

Сайфий Бухорий ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганишда Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” ва унинг таржималари, Абдурахмон Жомийнинг “Рисолаи муншаот” (Хатлар тўплами), Хондамирнинг “Ҳабибус-сияр”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Абдуллоҳ Кобулийнинг “Тазкират-ут-таворих”, Зайниддин Маҳмуд Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” асарлари муҳим манбалардан саналади.

Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”нинг учинчи мажлисида 174 нафар ижод аҳлидан Сайфий Бухорийни Жомий ва Сухайлийдан кейин учинчи ўринга қўйган. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, ҳазрат Навоий Ҳирот адабий мактабининг пешвоси мавқеида туриб, Сайфийни замонасининг обрўли ва биринчи даражали шоирлари қаторида эътироф этган. Навоийнинг зикри шундай: “Мавлоно Сайфий – бухоролиғдур, андин Ҳирий шахрига келди ва аксари кутуби мутадовилотни кўрди, таҳсил асносида назмга машғул бўлди. Андоқки шеъри шуҳрат тутти ва масал тарийқин бағоят яхши айтти. Бу матлаъ анингдурким:

Дило, васфи миёни нозуки жонони ман гуфтӣ,
Накў рафтӣ, ҳадисе аз миёни жони ман гуфтӣ⁵.

(Мазмуни: Эй кўнгил, жононим нозик белини таъриф қилдинг, бу билан жонимнинг нозик жойини тилга олиб, яхши кетдинг).

Навоий “Мавлоно Сайфий” деб уни улуғлаб, азим Бухоро фарзанди эканлигига ишора қилади ва “бухоролиғдур” дейди. Муаллиф ёш Сайфийнинг Ҳирот шахрига таҳсил олиш мақсадида келгани ва бу ерда замонасининг кўпгина муҳим илмлари ҳамда буюк устозларнинг сабоқларидан баҳраманд бўлганини “аксари кутуби мутадовилотни кўрди”

⁵Алишер Навоий. “Мажолис ун-нафоис”. – Асарлар, 10 жилдлик, 9 жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. – Б. 340.

тарзида ёркин ифода этади. Навоий Сайфийнинг қобилиятини сезиб, унинг ижодини диққат билан кузатгани шунда кўринадики, “масал тарийқин бағоят яхши айтти” дейиш асносида шоир шеъриятидаги нозикликни тавсифлайди ва машҳур байтини мисол тариқасида келтиради.

Юқоридаги манбалар асосида Сайфийнинг сермахсул ижодкор бўлганлиги, 2 та девон ҳамда «Рисолаи аруз», «Рисолаи муаммо» ва «Рисолаи мусиқий» каби асарларнинг муаллифи эканлигини таъкидлашимиз лозим.

Шарқшунос олим, академик Абдулғани Мирзоев ўтган асрнинг 70-йилларида Сайфийнинг Грузия Фанлар Академиясининг шарқий қўлёзмалар фондида сақланаётган №115 инвентарь рақамли анъанавий мавзуда ёзилган ғазаллари жамланган девони, Санкт-Петербург Фанлар академиясининг шарқшунослик институти кутубхонасида сақланаётган №135 инвентарь рақамли қўлёзмаси, шунингдек, Тожикистон Фанлар академиясининг шарқшунослик институти кутубхонасида сақланаётган №448 инвентарь рақамли ҳунар аҳлига бағишлаб ёзилган ғазаллари жамланган девонини аниқлаган эди. Шундан сўнг 1976 йили “Гулшани адаб” (Адаб гулшани) номли баёзда XV аср шоирларининг назмидан сараланган намуналар нашр қилиниб, ушбу китобда адабиётшунос Камол Айний муҳаррирлигида Сайфийнинг 40 та ғазали, 4 та рубоий ва қитъаси, 11 та фарди эълон қилинган.

Изланишларимиз жараёнида Сайфийнинг ҳунармандлар васфига бағишланган девонининг иккита янги қўлёзма нусхаларини қўлга киритишга муваффақ бўлдик. Биринчи нусха Эрон Ислом Республикасининг “Китобхонаи мажлиси шўрои исломи” номли миллий кутубхонасида №9653 инвентарь рақами билан, иккинчи нусха эса Ҳиндистон давлатининг Сиринагар университети кутубхонасида №1560 инвентарь рақами билан сақланаётганлиги маълум бўлди. Таъкидлаш жоизки, иккинчи нусха 41 бетдан иборат бўлиб, бошқа нусхаларга нисбатан шоир ғазалларини тўлароқ қамраб олган. Зеро, унга шоирнинг 130 дан ортиқ ғазаллари киритилган. Уларнинг барчаси янгича мавзуда ёзилган ғазаллардан таркиб топган ва биз Сайфий ғазалларини тадқиқ қилиш жараёнида айнан шу нусхани асос қилиб олдик.

“Сайфий Бухорийнинг XV аср ғазалчилигидаги янгиллиги” деб номланган иккинчи фаслда адибнинг ўз даври ғазалчилигидаги янгиллиги ва эришган ютуқлари ҳақида сўз юритилиб, бир қатор ғазаллари мавзу, шакл ва бадиий тасвир хусусиятларига кўра таҳлил этилган.

Сайфий форс-тожик ғазалчилиги майдонида янгича усулда яратган – ҳунармандлар мавзусида ёзилган ғазаллари билан шуҳрат топиб, унинг бу йўналишдаги ғазаллари девони – “Саноий-ул-бадоий” “хосу ом” ўртасида фавқулодда машҳурликка эришган.⁶ Зеро, янги мавзуга мурожаат қилиш, ҳаётий-реал воқеаларни шеърятда акс эттириш ривожланаётган XV аср адабиётининг муҳим хусусиятларидан бири эди ва Сайфий девони ҳам айнан шу даврда яратилди.

⁶Гулшани адаб. Чилди III. Намунаҳои назми форсу тоҷик. Асрҳои XIV-XV. – Душанбе: Ирфон, 1976. – С.301.

Адабиётшунос олим Аълохон Афсаҳзоднинг таъкидлашича, шоир шаҳар ҳаётининг ажралмас қисми бўлган турли касб-ҳунар эгаларини асосий тасвир объекти сифатида қабул қилган ва ҳаммаси бўлиб ҳунар аҳлидан 133 кишини васф этган⁷. Айнан шу жиҳати билан Сайфий ижоди ўз даврида Навоийнинг диққат марказида бўлганки, у “Мажлоис ун-нафоис”да шоир ижодининг муҳим жиҳати ҳақида шундай қимматли фикр билдирган: “Мавлоно Сайфий Бухорий санъат ва ҳирфа аҳли учун ҳам кўп латоиф назм қилибтур ва ул тарикда мухтаредур. Бир байт ул жумладиндурурким:

Бути пардозгарам к-у ба қасон месозад,
Ҳеч ба ҳоли мани хаста намепардозад”⁸.

(Мазмуни: Пардозчи гўзалим кўп кишилар билан чиқишади-ю, мен хастанинг ҳолига асло парво қилмайди).

Навоийнинг таъкидлашича, Сайфий ижодидаги янгилик ҳунарманд ва косиблар ҳаётини ўз ғазалларининг мавзуси қилиб олганидир. Шунинг учун “ул тарикда мухтаредур”, яъни ихтирочидир дейди ва шоирнинг пардозчига бағишлаб айтган ғазалининг матлаини мисол тариқасида келтиради.

Сайфий янгича усулда яратган ғазалларида ҳар бир санъат ва ҳунар аҳлини мадҳ этар экан, уларни ёр қиёфасида гавдалантиради ва улар ҳақида “игначи моҳим” (Моҳи сўзангар, ки дар дил мехалад мижғони ў), “тиқувчи дилбарим” (Дилбари дарзӣ, ки шуд девонаи рўяш парӣ), “рангчи гульузорим” (Гульузори рангрез кори Масеҳо мекунад) деб сўз бошлайди ҳамда ҳунарманд ёрига муносабатини ишқий оҳангда изҳор этишга ҳаракат қилади.

Сайфий ғазалларида мумтоз форс-тожик шеърлятида оммалашган ташбих, истиора, муболаға, тамсил, ташхис, талмеҳ, киноя, ирсоли масал, тажнис, тазод ва бошқа ўнлаб шеърӣ санъатларни кузатишимиз мумкин. Эътиборли жиҳати шундаки, шоир ҳар бир шеърӣ санъатни нозик дид ва маҳорат билан ишлатган. Намуна сифатида шоирнинг “Игначи ғазали”ни кўздан кечириш мумкин:

Моҳи сўзангар, ки дар дил мехалад мичғони ў,
Он ки, дил мехонамаш ман, ҳаст сўзандони ў.
...Чашми Сайфӣ баста буд аз дард то рӯи ту дид,
Боз шуд чун чашми сўзан аз фараҳ чашмони ў.⁹

(Мазмуни: Игначи моҳимнинг киприклари юракка санчилади, мен уни юрак десам, у учун юрагим игна қутисига айланган экан; Сайфийнинг кўзи дарддан боғлиқ эди, аммо сенинг юзингни кўрди-ю, хурсандчиликдан унинг кўзлари игна кўзидай очилди).

Бу ғазалда шоир ташбих санъатидан моҳирона фойдаланиб, янги-янги тасвир ва ўхшатишларни юзага келтира олган. Ғазал таркибидаги *киприк-игна, юрак-сўзан қутиси, дилбарнинг темир юраги-сандон, ошиқнинг охи-*

⁷Аълохон Афсаҳзод. Адабиёти форсу тоҷик дар нимаи дуввуми асри XV. Китоби аввал. –Душанбе: Дониш, 1987.– С.183.

⁸Алишер Навоӣ. “Мажолис ун-нафоис”. Асарлар, 10 жилдлик, 9 жилд. –Тошкент: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. – Б. 339.

⁹Сайфӣ Бухорӣ. “Девон”. Китобхонаи донишгоҳи Сиринагар. – Ҳиндустон. –№1560. – С. 26; Гулшани адаб. Ҷилди III. Намунаҳои назми форсу тоҷик. Асрҳои XIV-XV. –Душанбе: Ирфон, 1976. – С. 307-308.

игначилик болгаси ташбихлари ҳамда *игнанинг этакка осилгани, игнага эгов ёрдамида ишлов берилиши, игначи моҳини кўрган пайти шоирнинг кўзи игна кўзидай очилиши* каби тўқима ибораларнинг аксарияти фавқулодда янги тасвир ва ифодалар бўлиб, Сайфийгача форс-тожик поэзиясида кўзга ташланмайди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Сайфий Бухорийнинг XV аср адабиётшунослигидаги мавқеи”** деб номланган бўлиб, уч фаслдан ташкил топган. Унинг *“Сайфий – адабиётшунос”* деб аталувчи илк фаслида Сайфийнинг XV аср адабий илмларида ўз илмий-назарий рисолалари билан фаол қатнашганлиги, аруз, мусиқа ва муаммога бағишлаб ёзган рисолалари илм аҳли орасида шуҳрат қозонганлиги ёритилган.

Сайфий таржимаи ҳолидан аниқландики, тарихий ва адабий манбалар унинг назарий олим сифатида учта илмий рисола – “Рисолаи аруз”, “Рисолаи муаммо” ва “Рисолаи мусиқий” ёзгани ҳақида маълумот берган. Афсуски, охирги иккита рисола бизгача етиб келмаган. Агар етиб келган бўлса ҳам, уларнинг сақланиш жойи адабиётшунослик ва манбашуносликда ҳалигача аниқланмаган.

Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида келтирилган маълумотидан хулоса қилиш мумкинки, Сайфий бу учта илмий рисоласидан биринчи бўлиб “Рисолаи муаммо”ни яратган. Сабаби Навоий олимнинг асарлари орасида фақат муаммо фанига бағишланган рисоласига ишора қилиб, қаноатланганлиги боис, ундан намуна сифатида “Қабул” исмига боғлиқ муаммони келтиради¹⁰. Бу ҳолдан хулоса қилиш мумкинки, Сайфийнинг “Рисолаи муаммо” асари “Мажолис ун-нафоис” тазкираси яратилгунгача ёзилган ва илм аҳли орасида кенг тарқалган.

Сайфий адабиётшунослик майдонида кўпроқ “Аруз” рисоласи билан танилган. Бу асар ўз даврида “Мезон ул-ашъор”, “Илм ал-аруз”, “Аруз”, “Арузи Сайфий” номлари билан машҳур бўлиб, 1491 йилда яратилган. “Аруз” рисоласи биринчи мартаба 1867 йил Калькуттада (Жомийнинг “Рисолаи қофия” асари билан бир жилда) Шарқ мумтоз поэтикасининг тадқиқотчиси – Ҳенри Блошман томонидан нашр қилинган ва шу олим томонидан 1872 йили инглиз тилига таржима қилинган ҳамда қайта нашр этилган. Биз тадқиқотимизда айнан Ҳенри Блошман томонидан нашр қилинган нусхани асос қилиб олдик.

“Аруз” форс тилида яратилган бўлиб, кириш ва 112 кичик фасллардан иборат. Асарнинг кириш қисмида муаллиф унинг вужудга келиш сабабини ўқувчиларга қисқача айтиб ўтиб, фаслларда шеър ва шоирликнинг моҳияти, бу сўзларнинг луғавий маъноси, аруз илмининг келиб чиқиш тарихи, ўрганиш қонун-қоидалари, баҳр ва доиралари ҳақида батафсил маълумот ҳамда шарҳлар келтиради.

Муаллиф кириш қисмида “Аруз”нинг ёзилиш сабаблари ва ундаги ёритилган муаммолар арузни ўрганувчилар эҳтиёжини қондиришга

¹⁰Алишер Навоий. “Мажолис ун-нафоис”. Асарлар, 10 жилдлик, 9 жилд. –Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. – Б. 340.

қаратилганлигини шундай тушунтиради: “Билгин, бу асарни яратишдан мақсад шуки, баъзан аруз илми борасида илм аҳли билан суҳбат қилардим, улар бу фаннинг турли масалалари ҳақида сўрардилар ва ҳар бир саволларига мен ақлий ва нақлий далиллар келтириб жавоб берардим ва бу маълумот ва далиллар бугунгача аруз фанига бағишланган бошқа ҳеч бир араб ва форс тилида ёзилган китобларда йўқ эди. Хоҳиш бўлдики, бу маълумотларнинг барини сақлаб қолиш учун бир рисола тартиб қилсам:

Рисола, ки дар сирри ҳар суҳан бошад,

Агарчи мунтахаб аст, шарҳи чумла фан бошад”¹¹.

(Мазмуни: бу рисола ҳар бир сўз асроридан хабар беради, гарчи танланган бўлса-да, фаннинг барча масалаларини шарҳлайди).

Адабиётшунос олим Абдулғани Мирзоев “Аруз”ни кўздан кечириб, унга юқори баҳо беради ҳамда XV аср ва ундан кейинги даврларда вужудга келган арузшуносликка оид асарлар орасида қандай мавқега эга эканлигини қуйидагича маълум қилади: “Ҳар ҳолда шу нарса бизга маълумки, Сайфий рисоласи ҳатто Абдурахмон Жомийнинг арузга оид ёзган рисоласидан ҳам муфассалроқ бўлиб, кейинги давр тожик назми тарихида Жомий рисоласидан кўра кўпроқ шуҳрат қозонди ва кўпроқ таъсир ўтказди. Жумладан, “Ғиёс ул-луғот” асарининг ичида аруз сўзининг шарҳи учун баъзи қисқартиришлар билан келтирилган “Меърож ул-аруз” рисоласи нафақат Сайфий рисоласи таъсири остида ёзилган, балки Сайфий “Аруз”ининг қисқартирилган шакли хилидандир”¹². Олимнинг Сайфий “Аруз”ини Жомийнинг “Рисолаи аруз” асаридан муфассалроқ ва машҳурроқ ҳисоблаши ҳамда кейинги давр арузшунослигидаги бир қатор рисоаларнинг вужудга келишига замин яратганлигини эътироф этиши форс-тожик арузшунослиги тарихида асарнинг илмий ва амалий қимматини маълум даражада аниқлаб беради.

“Сайфий “Аруз”ида шеър ва шоирлик баҳси ҳамда “аруз” истилоҳининг шарҳи” деб номланган иккинчи фаслда адабиётшуноснинг шеър, шоир ва аруз тушунчалари ҳақидаги илмий қарашлари унгача яшаб ижод қилган назариётчи олимлар асарлари билан қиёсланган ва Сайфий қарашларидаги афзалликлар ойдинлаштирилган.

Сайфий Бухорий, биринчи навбатда, “шеър таърифи” ва “шоир баёни” масаласини ўртага ташлайди, бу билан шеърятни таниш ва тан олиш ҳақидаги адабий ҳамда мантиқий доиралар ўртасидаги мунозараларда ўз қарашлари билан қатнашади.

Тадқиқотчи муаммо ечимини шеърнинг луғавий ва истилоҳий маъносини тушунтиришдан бошлайди. Масалан, Сайфий қуйидагича ёзади: “Билингки, шеърят - бу луғатда билиш ва топиш, истилоҳда эса маъноси ва қофияси мавжуд бўлган мавзун сўз бўлиб, унинг мавзунлиги қасд қилинган бўлмоғи керак”¹³. Муаллиф шундай сўзни шеър деб биладики, у биринчи навбатда мавзун ва мазмунли бўлмоғи лозим.

¹¹Сайфӣ. “Арӯзи Сайфӣ”. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Блошман. – Калькутта, 1872. – С. 1.

¹²Мирзоев А. Сайфий Бухорӣ ва мавқеи ӯ дар таърихи адабиёти доираҳои хунармандӣ / Сездаҳ мақола. – Душанбе: Ирфон, 1977. – С.278-279.

¹³Сайфӣ. “Арӯзи Сайфӣ”. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Блошман. – Калькутта, 1872. – С. 1.

Маълумки, шоирлик тушунчаси шеър каби қадимдан назариётчилар ўртасидаги баҳсларнинг муҳим бир бўлаги сифатида қаралган. Сайфийнинг наздида, шоир шеър олдида катта масъулият ҳис қилиши керак. Адабиётшунос “шоир” сўзининг маъносига диққат қаратади ва унинг шарҳини шундай келтиради: “Шоир” сўзининг маъноси – “билувчи ва топувчи”дир. Ва баъзилар шоирни шу жиҳатдан “шоир” деб аташадики, у бирон бир каломни топади ва уни яратишга қодир ва бундай каломни ундан бошқа киши топишга асло қодир эмас”¹⁴. Кўринадики, Сайфий шоирни шеърият оламида янги ва ноёб маъноларни яратувчиси ва кашфиётчиси сифатида тасвирлайди. Унинг сўзларига кўра, фақат шоирларда бундай истеъдод бор ва маъно яратиш, янги мазмунни кашф қилиш фақат уларгагина хосдир.

Сайфий Бухорий мазкур рисоласида “аруз” сўзини шарҳлашда сермахсуллик кўрсатиб, унинг еттидан кўпроқ маъносини топишга муваффақ бўлади ва янги маъноларни биринчи бўлиб форс-тожик арузшунослигига олиб киришга эришади. Чунончи, қуйидаги шарҳларни биринчи бўлиб Сайфийда қузатамиз: “Ва баъзилар айтадиларки, аруз “тараф” маъносида келади ва бу илм баъзи бошқа илмларнинг тарафидир ва шунинг учун уни “аруз” деб номладилар. Ва баъзилар айтадиларки, уч ҳарф: “айн”-у “ро”-ю “зод” таркибида кашф ва пайдо бўлиш маъноси бор ва бу илмдан тўғри ва нотўғри вазнлар кашф ва пайдо бўлади. Шунинг учун бу илмни “аруз” деб атадилар”¹⁵.

Агар Сайфийнинг шарҳларига эътибор берсак, маълум бўладики, уларнинг айримлари бутунлай янги бўлиб, Шамс Қайс Розий, Насируддин Тусий, Ваҳид Табризий, Абдурахмон Жомий ва бошқа форс-тожик назариётчиларининг асарларида кўзга ташланмайди. Сайфий шарҳларининг ўзига хослиги ва муҳимлиги шундаки, у буюк арузшунос сифатида “аруз” истилоҳининг кенгроқ шарҳлаш усулини ишлаб чиққан ва шарҳларини илмий асослар билан таснифлаган.

“Сайфийнинг “Аруз” асари адабий манба сифатида” дея ном олган учинчи фаслда “Аруз” рисоласи орқали бизгача етиб келган арузшунослик тарихига доир ҳикоят ва ривоятлар, араб ва ажам арузшунос олимлари асарларидан иқтибослар, Сайфий ва бошқа турли даврларда ижод этган форс-тожик шоирларининг талайгина шеърий намуналари етиб келганлиги ҳақида сўз юритилади.

Сайфий баҳс-мунозара жараёнида, шеър вазнининг муаммоларини ҳал қилишда форс-тожик ҳамда араб донишмандларининг асарларидан иқтибослар келтирган. Бу жараёнда араб ва ажам назариётчилари, жумладан, Халил ибн Аҳмад, араб тилшунос ва арузшуноси Абулҳасан Ахшаф Наҳвий, Мавлоно Юсуф Арузий Нишопурий, Бузургмеҳр Қойиний, Шамс Қайс Розийларнинг фикр-мулоҳазалари қимматли маълумот сифатида тез-тез

¹⁴Юқоридаги манба. – Б. 2.

¹⁵Юқоридаги манба. – Б. 3-4.

тилга олинади ҳамда уларнинг хизмати Сайфий томонидан муносиб баҳоланади.

“Аруз” рисоласини мутолаа қилиш жараёнида шунга амин бўлдики, муаллиф кўп ҳолларда, жумладан, баҳрларнинг турли вазнларини тадқиқ этиш йўлида ўз даври рисолачилик анъанасини давом эттирган, вазнлар тақтеби учун кўплаб шеърий мисолларни келтирган. “Аруз” таркибидан маълум бўладики, Сайфий ўз тадқиқотлари давомида ҳаммаси бўлиб 105 байтни мисол тариқасида келтирган. Сайфийнинг шеърияти тўлалигича қўлга киритилмаганлиги боис мазкур байтларнинг фақат 36 тасини шоир қаламига мансуб деб хулоса қилдик. Зеро, Сайфий мазкур байтларни асарнинг қайси жойида келтиришидан қатъи назар, ундан олдин “Масалан, муаллиф айтади” деб байтнинг ўз қаламига мансуб эканлигига ишора қилади.

Таъкидлаш жоизки, “Аруз” рисоласи яратилгандан сўнг бу илмга бағишланган кўплаб назарий асарларда Сайфий келтирган шеърий мисолларни учратиш мумкин. Жумладан, Муҳаммад Гиёсиддиннинг “Меърож ул-аруз”, Тўракул Зеҳнийнинг “Санъати сухан”, Субҳон Давроновнинг “Омўзиши вазни шеъри тоҷикӣ” номли асарларида Сайфий “Аруз”идаги бир қанча байтлар келтирилганлигини кузатамиз. Маълум бўладики, кейинги давр арузшунослари мазкур асарни ҳам назарий, ҳам адабий манба сифатида қабул қилиб, кўп ҳолларда унга мурожаат этганлар.

Диссертациянинг учинчи боби **“Сайфий Бухорийнинг “Аруз” рисоласида арузнинг назарий асослари”** деб номланади. Бобнинг биринчи *“Аруз” рисоласида жузв, рукн ва аруз зиҳофлари талқини*” фаслида Сайфий Бухорийнинг жузв ҳақидаги қарашлари, рукн ва зиҳофлар борасидаги талқинлари бошқа форс-тожик арузшунослари асарларида келган маълумотлар билан қиёсланган ҳамда арузшунос талқинларининг ўзигахослиги кўрсатилган.

Арузшуносликда ҳарф ва унинг ҳаракатларидан шаклланадиган шеър вазнининг кичик бўлагини **жузв** деб атайдилар. Сайфий Бухорий “Аруз”нинг еттинчи фаслини “Баёни аҷзои мизони байт” (Байт мезонининг жузвлари баёнида) номлаб, аруз илми устозлари – Шамс Қайс Розий, Насируддин Тусий, Абдурахмон Жомий каби сабаб, ватад, фосила ва уларнинг турлари ҳақида сўз юритади, жузвларнинг шеър вазни ўлчовидаги хизматларини ўқувчига батафсил тушунтиради.

Рукн арабча сўз бўлиб, устун, поя маъноларини билдиради. Арузшуносликда рукн сабаб, ватад ва фосилаларнинг жой алмашинуви натижасида вужудга келадиган муайян қолип бўлиб, шеърни тақтиълаш ва унинг вазнини ўлчаш жараёнида фойдаланилади. Аруз илмида рукнни баъзан “аркон” ва “афоилу тафоил” истилоҳлари билан ҳам атайдилар.

Сайфий Бухорий ўзигача келган барча араб ва ажам арузшунослигидаги рукн истилоҳларини эътиборга олиб, уларнинг бир неча ном билан қўлланилишини қуйидагича таъкидлайди: “Ва бу аркон шаклан саккизта ва этиборда ўнта бўлиб, уларни арузнинг афоилу тафоил ва мафоилу афоил ва

мислу амсол ва ажзову аркон ва мавозину авзони деб атайдилар¹⁶. Муаллифнинг бу ахбороти арузни ўрганувчилар учун муҳим дарс бўлиб, рукн истилоҳининг турлича номланиши жараёнида юзага келадиган қийинчилик ёки хатоликларнинг олдини олади.

Сайфий рукнлар таркибидаги сабаб, ватад, фосиланинг бир-бирига қариндош рукнларда қандай жой алмашиши ва бу рукнларнинг таркиб жиҳатдан ўзаро бирлигини оддий ва тушунарли тарзда назарий асослари билан кўрсатади.

